

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 106-ҳадис

106 – السَّابِعُ: عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «حُجِبَتِ النَّارُ بِالشَّهَوَاتِ، وَحُجِبَتِ الْجَنَّةُ بِالْمَكَارِهِ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 6487، م 2823].

وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ: «حُفَّتْ» بَدَلُ «حُجِبَتِ» وَهُوَ بِمَعْنَاهُ: أَيُّ: بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا هَذَا الْحِجَابُ، فَإِذَا فَعَلَهُ دَخَلَهَا.

106. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Дўзах (нафс хоҳлайдиган) шахватлар билан ўраб қўйилган, жаннат эса (нафсга) ёқмайдиган нарсалар билан ўраб қўйилган»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Имом Нававий айтдилар:

«Бу ҳадиснинг маъноси шуки, жаннатга фақат нафсга ёқмайдиган нарсаларни амалга ошириш орқали эришилади. Дўзах эса, шахват ва нафс хоҳишини амалга ошириш орқали етилади. Демак иккиси ўраб, беркитиб қўйилган. Ким ўраб қўйилган нарсани бузса, тўсиб қўйилган нарсага етиб боради. Жаннат тўсиғини олиб ташлаш нафсга ёқмайдиган нарсаларни амалга ошириш билан бўлади. Дўзах тўсиғини олиб ташлаш шахватли нарсаларни амалга ошириш билан бўлади.

Нафсга ёқмайдиган нарсаларга ибодатларда жидду-жаҳд қилиш, унда бардавом бўлиш, шахватларга сабр қилиш каби нарсалар киради.

Нафс хоҳлаган шаҳватларга эса, ароқ, зино, ғийбат, номахрамларга назар солиш ва бефойда нарсалар билан дилхушлик қилишлар киради.

Аммо мубоҳ қилинган шаҳватлар бунинг сирасига крмайди. Лекин мубоҳ шаҳватларни кўпайтиришни ҳаромга олиб бориши, қалбни қотириб, ибодатдан чалғитишидан чўчилгани учун макруҳ саналади».

Имом Аҳмаднинг Ибн Аббосдан қилган ривоятларида қуйидагича келтирилади. «Жаннат йўли тепаликдаги қинғир йўлдир. Дўзах йўли эса, текисликдаги осон йўлдир».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI